

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 30 август, № 168 (6098) Шанба


# ОЗОД МАМЛАКАТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрамини улкан ютуқлар, муваффақиятлар билан кутиб олади. Энг улуғ, энг азиз айёмга муносиб туҳфа ҳозирлаш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Бу йил ҳам улуғ байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт кошоналари, тураржойлар, йўллар, кўприклар қуриб битказилди. Халқимизга хос эзгу анъаналарга мувофиқ бу иншоотлар хосиятли ва хайрли кунларда — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Пойтахтимизда миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган иншоотлар, йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар бунинг ёрқин намоёнидир.

Президентимиз Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги замонавий кўприкни бориб кўрди. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ҳузуридаги “13-кўприкқурилиш” трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган ушбу транспорт боғламаси автомобилларнинг ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратади. Кўприкнинг узунлиги 642, эни 19 метр.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, улар юксак маҳорат, чуқур билим, юқори технологиялар асосида амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган жойда транспорт тиғизлиги автомобиллар ва пиёдаларга ноқулайлик туғдирар эди. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар ҳаракатининг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни автомобиль ёнилғисининг кўп ишлатилиши ҳавони бузади. Бир жойда транспорт тиғизлиги юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади.

Бунёдкорлик ишларининг узвий давоми сифатида Абдулла Қодирий кўчасига туташ кўчалар кенгайтирилди, собиқ “Динамо” спорт дўкони ўрнида замонавий савдо мажмуалари қад ростлади. Шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Анҳор каналига туташ кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудлар кенгайтирилди.

Президентимиз мазкур ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ушбу кўприкда йилнинг тўрт фаслида ҳам транспорт воситаларининг бемалол ҳаракатланиши учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, замонавий ландшафт дизайни асосида ободонлаштирилган ҳудудларни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Ушбу чорраҳада саккиз қаторли иккита йўл кесишган. Атрофда банк биноси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, савдо мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис бу ер ҳамиша гавжум, кўчалар серқатнов бўлади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бу майдонда табиий омиллар ҳисобга олинмай, пала-партиш экиб ташланган дарахтлар бугунги кунда аҳолига ноқулайликлар туғдирмоқда. Йўлнинг ўртасидаги бу майдондан бугун мақсадли фойдаланилмаётгани, ўртадаги майдоннинг кенглиги сабабли бинолар йўлга жуда яқин жойлашганлиги транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатланишига халақит бераётир.

Бу ерда қуриладиган янги йўл ўтказгич тирбандликнинг олдини олиб, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имкониятлар яратади.

Бутун мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда транспорт воситалари тобора кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, манфаатларини тўла таъминлашдир.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириб, саккиз тасмали йўлга айлантириш, мазкур ҳудуддаги кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлади.

Кўприклар, йўллар ва бошқа иншоотларни қуришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни бориб кўрди.

Йўл — иқтисодиётнинг қон томири, муҳим коммуникация воситаси. Йўллар равон бўлган жойда ҳаёт фаровон бўлади, барча соҳалар равнақ топади. Буни мамлакатимизда транспорт тизими изчил яхшиланаётгани, иқтисодиёт ривожи ва халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида ҳалқа йўллар қурилмоқда. Мавжудлари кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қулайликлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу



борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби катта кўчаларни ўзаро боғлайди.

Илгари Тошкентнинг барча қисмида, хусусан, Эски шаҳарда уйлар, бозорлар пала-партиш қуриб ташланган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Бу транспорт ҳаракатини қийинлаштириб, ҳайдовчи ва йўловчилар ортиқча вақт йўқотишига, ёнилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган.

Давлатимиз раҳбари ғояси ва лойиҳаси асосида қурилган мазкур янги йўл бундай ноқулайликларни бартараф этади. Ҳар бир томони 4 тасмали кенг ва равон бу кўча ҳудудда транспорт ҳаракатини енгиллаштиради.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида шундай қийин шароитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилади. Бу ишларимизнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Ушбу янги йўл аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очади.

Йўл билан параллел равишда барча коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси бунёд этилган. Келгусида йўл атрофида замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган. Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурининг қандай тушишигача ҳисобга олинган. Лойиҳага кўра, тураржойлар уч ва беш қаватли бўлади. Чорраҳаларда фаввора ва гулзорлар, Калковуз ариғи бўйида сайилгоҳ барпо этилади.

Президентимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қиладиган аҳолининг эмин-эркин яшаши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш, йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова каби шахматчиларимизни бугун бутун дунё билади. Жорий йилнинг июнь ойида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намоён этди. Пойтахтимизда 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Нодирбек Абдусатторов ва Исломбек Синдоров, иқтидорли шахматчиларимиздан Абдулбосит Шарифжонов, Оқжол Раҳматуллаев, Нодирбек Ёқуббоев, Мафтуна Бобомуродова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъа чемпиони шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

**Пан Ги Мун** — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

**Елизавета II** — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси

**Пак Кин Хэ** — Корея Республикаси Президенти

**Си Цзиньпин** — Хитой Халқ Республикаси Раиси

**Барак Обама** — Америка Қўшма Штатлари Президенти

**Пранаб Мукержи** — Ҳиндистон Республикаси Президенти

**Владимир Путин** — Россия Федерацияси Президенти

**Жозе Мануэль Баррозо** — Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти

**Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд —** Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи

**Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд** — Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, Мудофаа вазири

**Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён** — Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири

**Ҳасан Руҳоний** — Эрон Ислом Республикаси Президенти

**Филипп** — Бельгияликлар Қироли

**Анибал Антонио Кавако Силва** — Португалия Республикаси Президенти

**Андрей Киска** — Словакия Республикаси Президенти

**Росен Плевнелиев** — Болгария Республикаси Президенти

**Андрис Берзиньш** — Латвия Республикаси Президенти

**Александр Лукашенко** — Беларусь Республикаси Президенти

**Алмазбек Атамбаев** — Қирғизистон Республикаси Президенти

**Чионг Тан Шанг** — Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

**Махинда Ражапакса** — Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти

**Ким Ен Нам** — КХДР Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси

**Папа Франциск** — Рим-католик черкови раҳбари

**Сергей Лебедев** — МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи Котиби

**Томас Кунце** — Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили

**Викентий** — Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари

**Борис Қандов** — АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси Президенти

**Абдулла Хўжа** — Туркистонликларнинг Америкадаги жамияти раиси

**Юрий Штерк** — Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари, элчи

**Стефан Приснер** — БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

*2014 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.*

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини **Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини ўзгартириш тўғрисида**ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тайёрланганлиги ва киритилганлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масала Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида, фуқаролар йиғинлари фаолларининг, жамоат ташкилотлари вакилларининг, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакилларининг мажлисларида олдиндан муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# ОЗОД МАМЛАКАТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шахмат кишидан юксак ақл-заковат, сабр-матонат ва ирода талаб қиладиган ғоят мураккаб спорт тури. Мазкур мактаб келажакда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли ва истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларида шахмат сабоқларини ўрганиши, ўз маҳоратини ошириши мумкин. Мазкур иншоот ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона каби бўлимларни ўз ичига олган. Ўқув-машғулот хоналаридаги электрон шахмат тахталари халқаро андозаларга мос. Мактабда ўқувчилар учун махсус дам олиш хонаси мавжуд.

Бу ерда шахматчиларнинг ўйин амалиётидаги тажриба-маҳоратини ошириш учун шахмат заллари барпо этилган. Ушбу залларда бир вақтнинг ўзида қарийб юз нафар шахматчи ўзаро баҳслашиши мумкин.

Мазкур мактабга болалар танлов асосида саралаб олинади. Уларга тажрибали, профессионал мураббийлар сабоқ беради.

Интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик ёш шахматчилар билан он-лайн тизимда шахмат бўйича беллашиш ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига эга.

Президентимиз мактабда сабоқ оладиган ўғил-қизларнинг шахмат бўйича маҳоратини ошириш, уларнинг эркин ижод қилиши учун янада қулай шароит яратиш борасида зарур тавсиялар билдирди. Ушбу бино ёнида халқаро миқёсдаги йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, миллий руҳ акс этган янги иншоот барпо этиш лозимлигини қайд этди.

Мазкур даргоҳда яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш шахматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириши ҳамда келгусида ўз билими, истеъдоду иқтидори билан мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт усталарини тарбиялаб бериши шубҳасиз.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини бориб кўрди.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда таълим жараёни мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш вазифаларини, халқаро таълим стандартлари ва талабларини, таълимнинг замонавий шакллари ва услубларини ҳисобга олган ҳолда, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Академияда "Маънавият ва маърифат" ҳамда Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказлар барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланган, давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан тўлдирилган.

Ахборот-ресурс марказида академия ходимлари, тингловчилари ва барча фойдаланувчиларнинг мустақил таълим олиши учун зарур шароит ва имконият яратилган. Марказ фондида ўзбек, рус, инглиз тилларидаги адабиётлар, матбаа нашрлари ва уларнинг электрон шакллари мавжуд. Ахборот-ресурс маркази залида Wi-Fi тармоғидан мунтазам равишда фойдаланиш мумкин. Бу ерда хориждаги кутубхоналар электрон ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти яратилган.

Президентимиз ташаббуси билан Давлат бошқаруви академияси биноси замонавий меъморлик ва технологик талабларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди.

Ислом Каримов академия биноси, у ердаги конференция заллари, Ахборот-ресурс марказида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, бу ердаги илмий, амалий ва ташкилий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

— Мазкур академия нафақат илм оладиган жой, балки тажриба ва ҳаёт билан боғлиқ таълим даргоҳидир, — деди Президентимиз. — Бу академияни битирган ҳар қандай киши давлат бошқарувига лойиқ бўлиши лозим. Бунинг учун халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар давлат бошқаруви тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш керак.

Мазкур мажмуада учта конференция ва катта кўргазма зали, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган ўнта зал, спорт майдони мавжуд. Улар барча зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Академиянинг ўқув биноси ва ётоқхонаси қулай мебель, ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланган. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Академиянинг Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш факультетларида давлат бошқаруви ва жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича икки йиллик таълим дастурлари асосида бошқарув кадрлари тайёрланмоқда. Муассасага қабул олий маълумотга, давлат ва жамият бошқаруви тизимида уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар орасидан танлов асосида амалга оширилаётир. Академияда ўқув, методика, илмий тадқиқот ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятларининг барча турлари олиб борилади. Битирувчиларнинг меҳнат фаолияти ва касбий ўсишлари юзасидан доимий мониторинг ташкил қилиниб, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги кадрларни танлаш, тарбиялаш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланмоқда.

Академия АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур, Озарбайжон каби қатор давлатларнинг илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ташкилот томонидан ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, олий таълим ва илмий муассасаларга, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
Муҳаммад АМИН,
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин ҳукумат таклифи, кенг жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш материаллари, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича ҳудудий ва республика комиссиялари томонидан тайёрланган хулосалар асосида Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини Яшнобод тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги** масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами бўлган Мустақилликнинг йигирма уч йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик ялпи мажлис давомида сенаторлар 15 та масалани, шу жумладан, 4 та Қонунни кўриб чиқдилар.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонунлар мамлакатимизни янада модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлади. Қабул қилинган **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимиятини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида катта аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган ушбу қонун мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ННТ давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарали ҳуқуқий механизмлари тизимини яратади. Уни ишлаб чиқиш жараёнида, шу жумладан, миллий ва халқаро даражалардаги турли анжуманлар доирасида кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Олиб борилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган **«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу Қонун бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида товар-хом ашё ва молия биржаларини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишга, биржа битимлари қатнашчиларининг кафолатларини кучайтиришга, хўжалик юритувчи субъектлар товар-хом ашё ва молия биржаларида кенг иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар бозор рақобати шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган **«Тижорат сири тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Ялпи мажлис қатнашчилари Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сайлов қонунчилигини, ахборот-коммуникация соҳаси, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари амал қилишининг ҳуқуқий асосларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Сенаторлар ўзлари томонидан маъқулланган қонунлар аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлади, деб ишонч билдирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати.**

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бахтияр Шамсутдинович **Мирбабаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Буритош **Мустафаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимидан озод қилинсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

# ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР, ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## юртимиз тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга зарур шарт-шароит яратади

*Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, Ватанимиз ободлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, фуқаролар турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳоли кенг қатлами ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кўплаб масалалар муҳокама қилинди.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Мухбиримиз Сенат ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан сенаторлар билан уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида суҳбатлашди.*

**Шоҳида АРИПОВА,
Термиз шаҳар 4-махсус
мактаб-интернати директори:**

— Бугун юртимизда энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг йигирма уч йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида истиқлол руҳи, байрам шукуҳи кезиб юрибди. Янги ижтимоий объектлар, мактаблар, шифохоналар, маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилмоқда, тадбиркорлар эса янги ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятини йўлга қўйишмоқда. Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳам айнан истиқлол йилларида амалга оширилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Сенаторлар шу нуқтаи назардан ҳар бир қонунни атрофлича кўриб чиқди, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, бу масалаларнинг барчаси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда, Ўзбекистоннинг демократик ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишида долзарблигини таъкидладилар.

**Назира ТОҒАЕВА,
Навоий вилояти касаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси раиси:**

— Маълумки, юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини кучайтириш жамиятни демократлаштириш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича олдимизга қўйган мақсадларни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик институтлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун ушбу мақсадга хизмат қилади ва давлат ҳамда жамият ҳамкорлигининг яхлит тизимини яратиб, конструктив мулоқотнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди. Мазкур ҳужжатда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари, давлат органларининг ННТ билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишдаги иштироки шакллари ва усуллари белгилаб берилган. Умуман, ижтимоий шерикликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига алоҳида урғу берилгани айни муддаодир.

**Алишер СУЛТОНОВ,
Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси
аъзоси:**

— Ялпи мажлисда янги таҳрирдаги "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонун сенаторлар томонидан қизғин муҳокама этилди. Мазкур Қонуннинг мамлакатимизнинг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти беқиёсдир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон биржа бозорининг ривожланган жаҳон биржа бозорига интеграциялашуви учун қулай шарт-шароит ва механизмлар яратади, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ билан уйғунлаштиради. Бу эса биржа фаолияти тизимининг барча асосий шакллари — савдо, клиринг, ҳисоб-китоб ва битимлар ижроси кафолатларини ташкил этиш ҳамда жаҳон стандартлари даражасида амал қилишини таъминлайди. Қолаверса, Қонун молия бозорини ривожлантириш, бозор инфратузилмаси сифатини ошириш, умуман, макроиқтисодий ўсиш суръатларини янада яхшилашга кўмаклашади.

**Холмурод КАРИМОВ,
Сенатнинг Аграр,
сув хўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси аъзоси:**

— Ялпи мажлис муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Бинобарин, ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан мамлакатимизнинг қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш киритилаётгани Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоя, таклиф ҳамда қонунчилик ташаббусларининг изчил бажарилаётганини кўрсатмоқда.

Қонунга киритилаётган ўзгартиш тадбиркорнинг вақтини тежаш, асосий эътиборини фаолиятни ривожлантиришга қаратиш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Зотан, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, Қонунга киритилаётган ўзгартиш бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси
раиси вазифасини бажарувчи:**

— "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, уни умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш йўлидаги навбатдаги ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ, бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ваколатларини кенгайтиришга қаратилганлиги билан ғоят аҳамиятлидир. Қонунда Марказий сайлов комиссияси фаолияти асосий принципларининг моҳияти ва мазмуни очиб берилмоқда.

**Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР ЭЪТИРОФИ

*Истиқлол йилларида юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, асрий анъаналарни ўзида мужассам этган маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса, унинг ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ҳамда тотувликни таъминлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги роли беқиёсдир.*

Жумладан, 2014 йилнинг биринчи ярмида фуқаролар йиғинлари томонидан 116 мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмуни ва аҳамиятига бағишлаб 38 мингдан ортиқ, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми доирасида ҳамда “Ота-оналар университетлари” томонидан 102 мингта, тўй-ҳашам ва бошқа турли маросимларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича 47 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари уюштирилган. Бундан ташқари, маҳаллаларда 34 мингдан ортиқ тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектларини ташкил этишга яқиндан кўмаклашилган.




Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ушбу ноёб бошқарув институти фаолиятига юқори баҳо берилмоқда ва унинг илғор тажрибалари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Урганч шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли” мавзуидаги халқаро илмий-амалий давра суҳбати, Жанубий Корея, АҚШ ва Хитой давлатларида маҳалла институти фаолиятини ўрганиш мақсадида уюштирилган халқаро анжуманларда қатнашган хорижлик экспертлар эътирофлари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ва фаоллигини оширишда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Чиндан ҳам, бу танлов фуқаролар йиғинларининг илғор иш тажрибасини кенг оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу танловнинг республика босқичи пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида юқори савияда ташкил этилди.

— Танловнинг кўлами, аҳамияти йилдан-йилга ошиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Унинг қуйи босқичларида республикамиз бўйича 8 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаол қатнашди. Бу босқичларда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида эришилган ютуқ ва натижалар қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шу билан бирга, уларнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш юзасидан ташкил этилган маслаҳат марказлари, “Ота-оналар университетлари”, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми фаолиятини намунали йўлга қўйиш борасида олиб борган ишлари атрофлича ўрганилди. Иштирокчиларнинг иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари, дунёқараши ва ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди.

Тадбирда эътироф этилганидек, тизимда фаолият кўрсатаётган фаоллар миллий ва умуминсоний қадриятлар — дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида ташаббускорлик кўрсатиб келишмоқда. Танловда уларнинг миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни сақлаш, фуқаролар йиғинларини комплекс ривожлантириш, соҳага оид илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, айни чоғда яратилган кенг имкониятлардан нечоғли тўғри фойдаланилаётгани, соҳага оид миллий қонунчилик ижроси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид ишлари атрофлича сарҳисоб қилинди.

— Маҳалланинг аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази сифатидаги фаолияти янада яққол намоён бўлмоқда, — дейди Учқўрғон туманидаги “Соҳил” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбархон Баҳромова. — Буни ўзимизнинг маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир бу ерда аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали воситаси бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Аҳолининг 114 нафари тадбиркорлик, 28 нафари касаначилик, 12 нафари ҳунармандчилик, 58 нафари чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланади. Кейинги пайтларда биргина томорқа хўжалиги негизида 70 га яқин оила ўз бизнесини йўлга қўйди. Ёшларимизнинг кўпчилиги ҳудуддаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида фаолият кўрсатмоқда.

Танловнинг якуний босқичида ҳудудларда ғолиб бўлган 14 та фуқаролар йиғини жамоалари ўзларини ҳар жиҳатдан намойиш этишди. Ушбу органларда бажарилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳамда эришилган натижалар, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари, йиғинлар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари томонидан жойларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёш авлод вакилларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитлар хусусида маълумотлар берилди.

Шундан сўнг ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унга кўра, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Тошлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Кейинги ўринлар эса Навоий шаҳридаги “Кимёгар”, Шайхонтоҳур туманидаги “Шофайзи”, Сариосиё туманидаги “Бўйрапўш” ва Андижон туманидаги “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоаларига насиб этди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Маҳалламизда доимий комиссиялар билан ҳамкорликда ишлаш изчил йўлга қўйилгани ютуқлар омили бўлмоқда, — дейди Ғиждувон туманидаги “Тошлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Шамсиева. — Айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Уларни миллий қадриятлар ва урф-одатларга ҳурмат, она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераяпти. Маҳалламиз аҳолиси бир-бири билан аҳил ва тотув, энг муҳими, кейинги бир неча йил мобайнида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги умуман қайд этилмади. Айни чоғда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Аҳолининг 1700 нафари тадбиркорлик, 124 нафари касаначилик, 120 нафари миллий ҳунармандчилик, 176 нафари эса чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланмоқда. Танловда ушбу ютуқларимиз эътироф этилди. Албатта, бундан кейин ҳам фаолиятимизни янада кучайтирамиз. Бу борада бизга танлов асносида қўлга киритган илғор тажрибаларимиз асқатади, деб ўйлайман.

Танлов доирасида ҳунармандлар, усталар, оилавий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва маҳалла ҳаётини акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкиллаштирилди.

Қатнашчилар пойтахтимиздаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти ва Ҳазрати Имом мажмуида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари билан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

30 АВГУСТ — «ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

# Мардлик ва ватанпарварлик тимсоли

*Она юрт эрки ва озодлиги йўлида азиз жонини аямаган, мардлиги, жасурлиги, юксак ақлу заковати ила ном қозонган буюк аждодларимиз фахру ифтихоримиздир. Шу маънода, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан бой тарихимиз, улуғ боболаримиз шахсияти, меросига муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг номи, миллатимиз эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги эзгу ишлари қадр топди.*




Жалолиддин Мангуберди — она-юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонларимиздан биридир. Унинг беқиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий даврни тасаввур қилиш кифоя. Моҳир саркарда йигирма бир ёшидаёқ Чингизхон қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлган. У ўн бир йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Ғаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, Ватан учун жонини ҳам аямади.

1999 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг муаззам ҳайкали қад ростлади. 2000 йил 30 августда “Жалолиддин Мангуберди” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур орден билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она-юрт тупроғини ҳимоя қилиш ҳамда уни кўз қорачиғидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

“Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шу билан бирга, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

Орден беш қиррали шаклда бўлиб, унинг марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада таралаётган нурлар фонида Жалолиддин Мангубердининг қабариқ зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаворанг-мовий эмаль билан қопланган.

Айни пайтгача Президентимиз Фармонига биноан, кўплаб ҳамюртларимиз ушбу орден билан мукофотланган. Бундан ташқари, 2003 йилда Хоразм вилояти аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — “Жалолиддин Мангуберди” ордени билан тақдирланди.

Атиги ўттиз икки йил умр кўрган бўлса-да, юрт эрки ва озодлиги йўлида кўрсатган жасорати, ирода ва саботда тенгсиз хислатлари боис Жалолиддин Мангуберди номи тарих зарварақларига мангу муҳрланди. Зотан, бу ном биз, авлодлар учун чинакам маънода фахр ва ғурур тимсолидир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

АНЖУМАН

*Экология, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига оид вазифалар миқёси янгича ёндашувлар, жамоатчилик ва давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада самарали даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Зеро, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш давлат, жамият ва ҳар бир инсоннинг муҳим бурчидир.*

# Атроф-муҳит муҳофазаси — асосий мақсад

Бу яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон экологик ҳаракатининг республика ҳисобот-сайлов конференцияси бош мавзуси бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий бўлинмалардан сайланган делегатлар, Экоҳаракат фаоллари, эколог-олимлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолияти янада юқори босқичга кўтарилди. Мазкур дастуриламал ҳужжатга мувофиқ, Экоҳаракат ўз ишини такомиллаштирди, кенг жамоатчиликни атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда ҳудудларда экологик ҳолатни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга жалб этишга эришди.

Ҳисобот даврида бугунги ва келажак авлоднинг соғлом табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси бўйича Давлат дастурлари ижроси мониторингини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик маданият ҳамда тарбия тизимини такомиллаштиришга жамоатчиликни янада кенгроқ жалб қилишга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, дунё парламентаризми тарихида биринчи бўлиб бизнинг мамлакатда Экологик ҳаракат учун депутатлик ўринларини квоталашнинг махсус институти яратилди. Мазкур янгилик экологик муаммолар ечимида парламент ролини оширишда муҳим омилга айланди, депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги масалаларни илгари суриш ҳамда уларга ечим топиш, жабҳадаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ривожлантириш, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этишда жамоатчилик ташаббуслари даражасини янги босқичга кўтариш имконини берди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни янада маромига етказиш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Жумладан, Экоҳаракатнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи томонидан 5 та Қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Шулар қаторида “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун тайёрланиб, у ўтган йилнинг декабрь ойидан эътиборан кучга кирди.

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш мақсадида 800 га яқин тадбирлар ташкил этилди. Уларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол қатнашиб, аҳолининг экологик, санитария-гигиена тушунчаларини ошириш бўйича суҳбатлар, ҳудудлар тозалиги, шаҳарларнинг экологик ва санитар ҳолатини яхшилаш борасида экологик акциялар ўтказилди. Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш бўйича 480 дан ортиқ жамоатчилик эшитуви ва бошқа тадбирлар уюштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон экологик ҳаракати атроф-муҳит муҳофазаси борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ишларни ҳам йўлга қўйди. Ўтган беш йил давомида 20 та халқаро экологик ташкилот ва 30 дан ортиқ мамлакатдаги 40 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Конференцияда Экоҳаракат фаолиятидаги тегишли камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф қилиш, ҳудудий бўлинмалар кенгашлари фаолиятига доир ҳали ишга солинмаган имкониятларни аниқлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шулар асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича 2015 — 2016 йиллар учун ҳаракат дастури маъқулланди.

Конференцияда бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мустақил юртимизнинг бахтли ёшлари

*Бугун халқимиз Мустақилликнинг йигирма уч йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар сафар бу улуғ байрам муносабати билан мустақиллик даврининг бетакрор тарихига айланиб бораётган яна бир сермазмун йилига назар ташлаймиз, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимизнинг шон-шуҳрати, нуфузи, обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан фахрланамиз, режалаштирган ишларимиз қандай амалга ошганлигини сарҳисоб қилиб, янги марраларни белгилаб оламиз.*

ИФТИХОР

Истиқлолимизнинг 23 йили тарихий аҳамиятга эга муваффақиятларимиз билан қадрли ва бебаҳодир. Бундай юксак кўрсаткичларга айрим мамлакатлар бир неча ўн йиллар давомида, айримлари эса асрлар давомида эришади. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ана шу ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони, аввало, халқимизнинг дунёқараши, одамларимиз сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётгани билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг “ўзбек модели” негизида инсон ва унинг манфаатлари устувор қадрият сифатида ўз инъикосини топди. Жамият ҳаётида кечган ўзгаришларнинг барчаси ягона эзгу мақсад — халқимиз фаровон турмушини таъминлашга йўналтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида кишилик жамияти ўз олдига қўяётган Минг-йиллик ривожланиш мақсадларидаги барча параметрларини қамраб олди. Эътиборли жиҳати, мазкур глобал дастурнинг қатор йўналишлари бўйича Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторидан жой олди.

Биргина таълим соҳасини олиб кўрайлик. Алоҳида эътироф этиш жоизки, 1997 йилда Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу асосда рўёбга чиқарилган ишларга дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳам ҳавас билан қарамоқда. Зеро, ушбу ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, мутлақо янги модел яратилди. Хусусан, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Хорижлик экспертлар тан олганидек, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида коллеж ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Ўз навбатида, тизимдаги янгиланишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аввало, тизимнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик иш олиб бориши йўлга қўйилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 касб-ҳунар коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди. Ваҳолонки, Ўзбекистон энди истиқлолга эришган вақтда мамлакатимизда 8 минг 333 та мактаб бўлиб, улардан 3525 таси мослаштирилган биноларда фаолият юритарди. Чунончи, мактабларнинг 1167 таси ўтган асрнинг 40-60-йилларида ҳашар йўли билан лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, белгиланган талабларга умуман жавоб бермасди. Уларнинг 80 фоизи зудлик билан капитал таъмирлашга муҳтож эди. Мавжуд мактабларнинг ярмидан кўпи газлаштирилмаган, телефон алоқаси мавжуд эмас эди, айни пайтда 3581 таси ичимлик суви билан таъминланмаган эди.

Бугун мамлакатимиздаги мавжуд 4950 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари, 9739 та умумий ўрта таълим мактаби, 1554 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ҳамда барча олий ўқув юртлари келажагимиз бўлган ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Энг асосийси, мазкур илм даргоҳларининг деярли ҳаммаси янгитдан қурилди, реконструкция қилинди, капитал таъмирдан чиқарилди ҳамда замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди.

Сир эмаски, бугун чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб, ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими татбиқ этилди. Барча умумтаълим муассасасида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун мультимедиа варианти илова қилинган 538 мингдан зиёд рангли дарсликлар чоп этилди, 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчилари тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди. Мамлакатимиз ҳудудларида хорижий тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Таълим соҳасига берилаётган юксак эътибор туфайли бугун мамлакатимиз ёшлари турли халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт ва санъат фестивалларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Дунёнинг катта қисмида аҳоли саводхонлиги глобал муаммо бўлиб турган бир пайтда, узоқни кўзлаб қабул қилинган дастурлар ва уларнинг рўёби туфайли юртимизда бу борада қарийб юз фоизлик кўрсаткичга эришилди. Шунингдек, ёшларга бўлаётган ғамхўрлик, айниқса, уларнинг ўқиши ва жамиятда комил инсонлар бўлиб етишиши учун кўрсатилаётган катта эътибор самаралари халқаро ҳамжамиятга ўрнак бўлмоқда, намуна сифатида кўрсатилмоқда.

Бинобарин, 2012 йилнинг февраль ойида пойтахтимизда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилгани, узлуксиз таълим ва ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба дунёнинг элликка яқин давлатларидан келган йирик мутахассислар, таниқли олимлар томонидан юксак баҳолангани бежиз эмас.

Маълумки, халқаро миқёсда “инсон тараққиёти” деган мезон қўлланилади. Гап шундаки, мазкур тамойилга биноан, инсон етуклигига эришишда, аввало, унинг бирламчи ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши лозим. Бу унинг таълим олиши, касб танлаши, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиниши, давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олиниши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланишида намоён бўлади. Инсон тараққиётининг ижтимоий қисми давлатдан нафақат ташкилий-ҳуқуқий кафолатларни, балки катта маблағларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам аксарият мамлакатларда, айниқса, глобал молиявий таназзул шароитида мазкур йўналишга қаратилган дастурлар ижросини тўхтатиш, ажратилаётган маблағларни қисқартириш одатий ҳолга айланиб қолди.

Шуни ғурур билан айтиш керакки, юртимизда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган давлат харажатлари йилдан-йилга оширилиб, бу масала асосий диққат марказида бўлиб келяпти. Бугун давлат ғазнасининг қарийб 60 фоизи ижтимоий мақсадларга, шу жумладан, 35 фоизи таълим тизимига йўналтирилаётгани мамлакатимизда инсон омили нечоғли катта аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган мустақил тараққиёт йўли, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни ҳамма соҳаларда энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бу эзгу ишлар марказида халқимиз, ҳар бир юртдошимиз манфаати мужассамдир. Мазкур жараёнларда таълим тизимидаги ислоҳотлар тараққиётнинг муҳим кафолати бўлиб қолаверади.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тарих фанлари доктори, профессор.**

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

**Муроджон Нигматович АМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИФТИХОР

*Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз кеча “Тошкент” халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.*

# Ватанни улуғлаш саодати



Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари, журналистлар йиғилди.

Ушбу нуфузли мусобақада 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритди. Бу уларнинг Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига ажойиб туҳфаси бўлди. Умидли спортчиларимиздан Бектемир Меликўзиев (бокс), Илҳом Баҳромов (юнон-рум кураши), Суҳроб Турсунов (дзюдо, жамоавий), Владимир Свечников (ўқ отиш, микст) Олимпиада чемпионлигига эришди. Сулаймон Латипов (бокс), Умида Абдуллаева (таэквондо WTF), Фарҳодбек Собиров (оғир атлетика) кумуш, Суҳроб Турсунов (дзюдо, яккалик), Адҳамжон Эргашев (оғир атлетика), Тимур Қодиров (спорт гимнастикаси) бронза медалига сазовор бўлди.

Аслида бундай йирик мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай спортчи учун катта муваффақият. Унда ғолибликка эришиш эса, айтиш мумкинки, юксак шарафдир. Шу маънода, ёшларимиз қайд этган натижа барчамиз учун алоҳида ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари шу йил Наманган вилоятида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, “...ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлиғини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир”.

...Истиқлол йилларида юртимизда ёшлар тарбиясига, уларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига давлат сиёсати даражасида қаратилаётган юксак эътибор амалда ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. Бунда Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Биласиз, дунёда спорт бўйича ўтказиладиган мусобақалар беҳисоб. Аммо улар орасида Олимпиада тамойиллари асосида ташкил этиладиган беллашувлар алоҳида нуфузга эга. Ушбу мусобақаларда тенглар ичра тенг бўлиб, муносиб қатнашиш осон эмас. Нанкин Олимпиадасида жаҳоннинг 170 та давлатидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3500 дан зиёд ўсмирлар спортнинг 28 тури бўйича ғолиблик учун куч синашди. Шунинг 89 тасидан бирорта ҳам вакил совриндорлар қаторидан жой ололмади. Олтин медалларга эгалик қилган давлатлар сони эса янада камроқ — 52 тани ташкил этди. Айтайлик, бир миллиард 200 миллион нафардан ортиқ аҳолиси бўлган Ҳиндистон 32 нафар спортчиси билан қатнашиб, бирорта ҳам олтин медални қўлга киритолмади. Ёки Олимпия ўйинлари ватани — Греция шарафини ҳимоя қилган атлетлардан атиги икки нафари кумуш медаль билан тақдирланди. Жанубий Африка Республикасининг 55 нафар спортчисидан атиги биттаси медалга эга бўлди. Умуман олганда, ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринларни эгаллаш бўйича Испания, Нидерландия, Чехия, Аргентина, Швеция, Мексика, Канада, Дания, Португалия каби ўнлаб давлатлардан келган тенгқурларидан ўзиб кетишди.

Албатта, ушбу муваффақиятга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Спортчиларимизнинг мусобақага пухта ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди. Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўсмирларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказишди.

— Олимпиада ўйинларига жўнаб кетишдан олдин Нанкиндан олтин медаль билан қайтишни мақсад қилгандим, — дейди Бектемир Меликўзиев. — Бунга эришганимдан жуда ҳам хурсандман. Давлатимизнинг юксак эътибори туфайли биз, спортчилар ана шундай натижаларга эришмоқдамиз. Бизни кутиб олишга чиққан барча-барчани ва ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан табриклайман.

— Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак, — дейди Илҳом Баҳромовнинг отаси Исмоил Мустофоев. — Бугун мен ҳар қанча ғурурлансам, фахрлансам арзийдики, ўғлим нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди. Унинг бундай муваффақиятга эришишида мамлакатимизда Президентимиз томонидан ёшларни маънан ва жисмонан баркамол шахслар қилиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор мужассам. Ишончим комилки, бундай ғамхўрликни дилдан ҳис қилган ўғил-қизларимиз келгусида яна кўплаб мусобақаларда Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтарадилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Реклама ўрнида

UZBEKNEFTEGAZ

«Ўзбекнефтгаз»
миллий холдинг компанияси

мамлакатимиз
аҳлини
Ўзбекистон Республикасининг
Мустақиллик куни
байрами билан
самимий муборакбод этади!

Барчага
сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик,
бахт ва саодат тилайди!



1262A/1051

InfinBANK
жамоаси

юртдошларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг
23 йиллиги билан
табриклайди!

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
оилангизга фаровонлик, юртимиз
янада гуллаб-яшнаши йўлидаги
меҳнатингизда улкан
зафарлар истаб қолади!

Байрам муносабати билан
хорижий валютадаги
юқори даромадли
«Озод Ватан» омонатига
маблағ қабул
қилиш бошланганлигини
маълум қиламиз.



Хизматлар лицензияланган.
1330R/666

Корхона, ташкилот, фирма ва компаниялар
раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли
«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ

жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб
Наманган вилояти, Поп туманида янги қурилган
«Темирйўлобод» станцияси қошида
замонавий юк тушириш ва ортиш маскани
иш бошлашини маълум қилади.



Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган мазкур юк терминалида қуйидаги хизмат турлари таклиф этилади:

- юк ҳовлисида ва контейнер майдончаларида юкларни ортиш, тушириш ишларини ташкил этиш ҳамда контейнерлардаги юклар бўйича тижорат операцияларини расмийлаштириш;
- транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш;
- божхона назорати остида, шунингдек, божхона кўригидан ўтган барча юк ва товарларни сақлаш;
- ўз вақтида сиз истаган манзилга юк ва товарларини етказиб бериш.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй.
Юк ва тижорат ишлари бошқармаси, телефон: (8-371) 238-80-97.
«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ, телефон: (8-371) 150-34-10.
1324A/701

ЭЪЛОНЛАР

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 139 180 400 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 15 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 12 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.
1337A/1453

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 1 сентябрь, душанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.50 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5